

## ABOUT PATRIOTISM IN THE CONTEXT OF GLOBAL REALITY IN THE XXI CENTURY



**Tursunov Shahzod Ramozonovich, TDPU**  
Faculty of Military Education Independent Researcher  
E-mail: shaxzod.tursunov.86@mail.ru

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича илгари сурилган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, келгусида барқарор ва жадал ривожланиш учун мутлақо янги ғоялар ва тамойилларни амалга ошириш йўлига ўтди. Бундан ташқари, давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида ватанпарварлик руҳида тарбияланган, учинчи томон мафкурасининг салбий таъсирига қарши тура оладиган баркамол авлодни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Глобаллашув шароитларида ёшларимизни турли хил салбий ғоялар ва тажовуз кучларга қарши кўрашадиган қилиб тарбиялаш, бугунги куннинг энг долзарб вазифасига айланган. Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев – "Шунинг учун биз фуқаролар ўртасида бегона ғояларнинг салбий таъсирига қарши кучли иммунитетни шакллантириш ва ватан тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтириш бўйича аниқ чораларни кўришимиз керак", – дейди.

Мамлакатимизда миллий маънавият ҳодисаси ва ижтимоий онг бўғини сифатидаги ватанпарварлик ўзбек воқелиги учун кўп асрлар олдингига нисбатан ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай мамлакатнинг қудрати кўп жиҳатдан унинг фуқароларининг ватанпарварлик кучи билан белгиланади.

Ушбу давр ҳаётимиздаги туб ўзгаришларнинг бошланиши ва ривожланиши билан боғлиқдир. Бевосита ҳаётимизнинг асосларигина эмас, балки ватанпарварлик алоҳида ўрин эгаллайдиган кадриятлар ҳам чуқур ўзгаришларни бошидан кечирди. Айнан ватанпарварлик ўта турли туман, кўпинча бир-бирига зид қарашлар, фикрлар, эътиқодлар, ёндашувлар, мунозаралар ва ҳоказоларнинг марказида бўлиб чиқди.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган фаолиятнинг махсулдорлиги ушбу ишларнинг муаллифлари кўпроқ мамлакатимиздаги тафаккурнинг бой меросига мурожаат қилаётганликларидан шўро давридаги эътиборга лойиқ асарларни янада вазминроқ ҳолис таҳлил қилишга интилаётганликларидан ва энг муҳими ушбу муаммони сўнгги давр жамиятида юз берган ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқда кўриб чиқаётганликларидан келиб чиқади. Кўриб чиқиладиган муаммо бўйича адабиётларнинг анча катта ҳажми мавжудлиги мазкур муаммонинг кенг, жиддий томонларини фалсафа, тарих, сиёсатшунослик, социология ва педагогика фанлари соҳасидаги тегишли тадқиқотларнинг долзарблашуви туфайли юзага келган катта интилишидан далолат бермоқда. Бу билан ватанпарварлик муаммосининг бир қатор энг муҳим жиҳатлари, янги шароитларда жамиятимизда унинг ривожланиши бўйича назарий изланишларни давом эттириш учун муайян пойдевор яратилди.

Бугунги кунда ватанпарварлик ғояси бир қатор зиддиятлар ва ҳолис бўлмаган мулоҳазаларга эга.

Замонавий шароитлардаги ватанпарварлик ролини тегишли баҳоси йўқлигининг жиддий сабабларидан бири ватанпарварлик ғояларини назарий ишлаб чиқишни бир маънода эмаслиги ва турли йўналишларга эга эканлиги, уларнинг ОАВ да тарғиб қилиниши, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг кўрсатмаларидир. Буларнинг барчаси ўз Ватанини ҳимоя қилиш борасида аҳолининг ватанпарварлик қарашларига жиддий таъсир кўрсатади.

Ватанпарварлик ғояларининг айнашига олиб келган объектив ва субъектив сабабларни таҳлил қилиш асосида тўғри хулосалар чиқарибгина қолмасдан жамиятда фуқаролик ёндашувини тарбиялаш заруратини тушунган ҳолда мазкур соҳада жиддий ўзгаришга эришиш мумкин.

Юқорида баён қилинганларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

**биринчидан**, ижтимоий ҳаёт ҳодисаси ва ижтимоий онг бўғини сифатидаги ватанпарварлик бой тарихга ва чуқур анъаналарга эга бўлган мамлакатимиздаги ижтимоий фан ва маданиятнинг ажралмас тузилмавий унсуридир;

**иккинчидан**, ватанпарварлик доимо ўзбек халқининг мардлиги, шухрати ва қаҳрамонлиги тимсоли сифатида, давлатимизнинг бирлиги, буюклиги ва қудратининг зарурий шarti сифатида кўриб чиқилган;

**учинчидан**, ватанпарварлик моҳияти турли мутаффакирлар томонидан турлича, энг аввало, унинг маънавий ифодаланиши ҳамда аниқ таъсирчан намоён бўлиши маъносида талқин қилинганлигини таъкидлаш зарур. Ватанпарварлик муаммосини кўриб чиқиш буни асосли ва янада мукамал ишлаб чиқиш имкониятларини турли шаклларда чеклаган, унинг аҳамиятли жиҳатларини, ғоянинг ўзини бадном қилишга интилишга бўлган қадар ерга урган кўп сонли мухолифларнинг таъсири остида бўлганлиги ўзига хос аҳамиятга эга;

**тўртинчидан**, ватанпарварликни замонавий тушуниш барча фуқароларнинг ҳам мамлакат ичида, ҳам жаҳонда миллий саноатни, қишлоқ хўжалигини, маданият ва санъатни юқори технологияларни фаол ривожлантириш ҳисобига мамлакатимизнинг нуфузини мустаҳкамлашда фаол иштирок этишини назарда тутати.

#### **Фойдаланилган Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017 й. – 488 б.
2. И.А.Махмудов Ватанпарварлик тарбиясининг долзарб масалалари – Қарши 2017.
3. Эркаев А. Маънавият миллат нишони.- Т.: Маънавият, 1997. 188- бет
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - М.: Рус тили, 1-том. 1981. 173- б.